

ХАКИМОВ Азизхон Асрорович

Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Араб тили ва адабиёти ал-Азхар кафедраси
ўқитувчиси
Khakimov.azizhon@gmail.com

АРАБ ТИЛИНИ ҲҚИТИШДА ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВЛАР

СОВРЕМЕННЫЕ ПОДХОДЫ К ПРЕПОДАВАНИЮ АРАБСКОГО ЯЗЫКА

MODERN APPROACHES TO TEACHING ARABIC

Аннотация: Маълумки, дунёдаги энг қадимий ва нодир тиллардан бири бўлган араб тилига қизиққанларнинг сони тобора ортиб бормоқда. Араб тилини ўргатишга бел боғлаган илм даргоҳларининг савияси ва услуби турличадир. Мақолада тилни ўзлаштиришга академик нуқтаи назаридан ёндашув таҳлил қилиниб, унинг асосий хусусиятлари келтирилган. Мазкур мақола араб тилини пухта, сифатли ўргатувчи ва ўрганувчилари учун фойдали ва керакли беради.

Калит сўзлар: Араб тили, ўқиш, тинглаш, ўқувчи, гапириш, матн, ёзув.

Аннотация. Как вы знаете, число людей, интересующихся арабским языком, одним из самых древних и редких языков в мире, растет. Уровень и стиль знаний, которые определили преподавание арабского языка, разнообразны. В статье анализируется подход к языковому воспитанию с академической точки зрения и представлены его основные особенности. Эта статья содержит полезную и необходимую информацию для тех, кто тщательно и качественно изучает арабский язык.

Ключевые слова: арабский язык, чтение, аудирование, читатель, говорящий, текст, письмо.

Annotation. As you know, the number of people interested in Arabic, one of the most ancient and rare languages in the world, is growing. The level and style of knowledge that determined to teach the arabic language is diverse. The article analyzes the approach to language rearing from an academic point of view and presents its main features. This article provides useful and necessary information for thorough, high-quality learners and learners of Arabic.

Keywords: Arabic language, reading, listening, reader, speaking, text, writing.

КИРИШ

Араб тили дунёдаги энг қадимги ва бой тиллардан бири эканлиги шубҳасиз. Ундаги мавжуд ҳарф, нукта, ҳаракат, зер-забар каби ўн икки ярим миллиондан ортиқ эллемент бунинг ёрқин далилидир. Араб тилнинг бундай гўзал ҳолатда бизга етиб келишида, албатта, асрлар мобайнида аждодларимиз ёзган асарлари ва қолдирган илмий меросларининг ўрни бекиёсдир. Ўн беш аср аввал Қуръони каримнинг айнан шу тилда нозил бўлгани бошқа миллат вакилларида классик араб тилига бўлган қизиқишни кескин оширган.

Бундан ташқари, ҳадис, фикҳ, ақоид, тарих, тиббиёт, фалакиёт, кимё, алжабр ва нотиклик санъати каби бошқа фанларга оид асарларнинг аксарияти ҳам араб тилида ёзилгани Ислом оламининг уни янада чуқурроқ ўрганишга ундаган. Қолаверса, ўша даврдаёқ Мусхафни ўқишда одамлар хатога йўл қўя бошлагани боис, олимлар буни бартараф қилиш мақсадида араб грамматикасига биғишланган бир қатор асарлар ва уларга шарҳлар битганлар [1:107]. Шундай экан, тилни сақлаб қолиш ва келажак авлодга беназир инъом этиш жоиз.

Ҳозирги мукамал шаклдаги араб тилини ўрганиш жараёнида ўз она тилиси бўлган араблар учун грамматика ва ёзув деярли қийинчилик туғдирмайди, бошқа миллат вакиллари учун эса бу анча мушкул кечиши табиий. Шундай бўлсада, Ислом дунёсининг араб тилига бошқа ҳар қандай фанга нисбатан муҳаббат билан ёндашиши уни ўзлаштиришда анча енгиллик яратади [1:93]. Хусусан, ўзбекчага арабчадан юзлаб сўзларнинг киргани ҳамда талаффузларнинг яқинлиги миллатимиз учун уни ўрганиш янада осонроқ ва қулайдир.

АСОСИЙ ҚИСМ

Бугунги кунда тилни баъзилар зарурат юзасидан, баъзилар эса шунчаки қизиқиш ўрганишга киришди, ҳаттоки бу урф тусига ҳам айланиб қолди. Тил ўрганишга талаб ортгани сайин уни ўргатадиган кўплаб муассасалар, хусусий мактаблар, марказлар ва турли ўқув даргоҳлари фаолият бошлади. Аксарият одамлар юқорида номлари келтирилган муассасаларда ўқишни маъқул кўрадилар, чунки ўқиш жараёнида ўз режалари ва вақтларига мослашлари мумкин, боз устига кириш имтиҳонлари ҳам мавжуд эмас. Аммо ўқиш жараёни ва сифатда катта тафовут борлигини

яхши англашмайди. Энди университетлар ва марказлардаги таълим ўртасидаги фарқ ҳамда ижобий ва салбий томонларини айтиб ўтсак.

Ўқув марказларининг ижобий томони ҳаётда ишлатиладиган умумий сўзларга аҳамият берилади ва оғзаки нутқга тез суратда кўникма ҳосил қилишга ҳаракат қилинади. Салбий томони эса, ёзув ва грамматикага юзаки қаралади, асосан ёшлар учун кўнгил очар муҳитини яратиш, иложи борича мижозларни жалб қиладиган томонларга куч берилади. Таълим эмас, балки яратилган шарт-шароит ва чиройли муҳит бирламчи бўлиб қолган. Бунга таянч таълимнинг заифлиги, марказдан ташқарида талабалар ишларига қизиқишнинг йўқлиги, қўшимча топшириқлар юкланмаслиги ва назорат етишмаслиги сабабчидир.

Университетларда ўқишнинг ижобий томони чет тилидаги кўплаб академик атамалар ўргатилади, ёзув ва грамматикага махсус урғу берилади, давоматга жиддий аҳамият берилади, орқада қолаётган талабалар билан алоҳида шуғулланилади ва дасрдан ташқари қўшимча адабиётлар билан таъминланади. Салбий томони эса, умумий тилнинг секин ўргатилиши, зерикарли тартиб, араб тилидаги реал ҳаётда кам ишлатиладиган изофа занжири ва феъл бобларида чуқурлашиш каби унсурлардир. Ҳар қандай ҳолатда ҳам тилни ўргатишда критерияларнинг барчасига - ўқиш, ёзиш, эшитиш ва гапиришга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Ўқиш маҳорати гапириш, ёзиш ва тинглаш каби бошқа кўникмаларнинг асоси десак муболаға бўлмайди. У ўқувчи қуролланиши зарур бўлган асосий билим воситаси саналиши билан бир қаторда унинг жараёни ҳаётимизнинг муҳим қисмидир, чунки у кенг фикрлаш, атроф-муҳитни тушуниш ва у билан мулоқот қилиш имконини беради ва. Ўқиш турлари бўлиб, уларнинг асосий ва энг машҳурлари:

Матндаги асосий ғоя ва иккиламчи ғояларга қаратилган тез ўқиш;

Муайян аниқ фанга доир адабиётни ўқиш;

Узун матнлардан иборат матнларни завқлаб ўқиш;

Тўғри тушуниш учун батафсил маълумотларнинг қисқа матнларига қаратилган интенсив ўқиш. Завқ олиш учун ўқийдиганларга матн қийин бўлса ҳам қизиқарли, жозибали ва ёқимли фикрни ифодалаб берса кифоя. Бошланғичлар учун содда ва қисқа жумлалардан иборат матн танланиши лозим. Давом эттирувчилар учун эса даражаларига

қараб мос бўлиши керак. Араб тилиси она тили бўлмаганларга матн ўқишдан олдин янги сўзларни бериш самаралироқ, матнда нотаниш сўзлар кўп учраса, ўз-ўзидан ўқувчида завқланиш ҳисси йўқола бошлайди.

Ўқиш энг мураккаб ақлий фаолиятлардан бири бўлиб, у сўз шаклини овозли ва визуал равишда билиш, фикрлаш, баҳолаш, тасаввур қилиш ва хулоса чиқаришни талаб қилади. Шунинг учун чет тилини ўз ўқувчиларига ўргатишда она тили эмаслигини ҳисобга олган ҳолда батафсил ёндашиш лозим. Ўқишнинг оммавий усулида ўқувчи ҳеч қандай товуш чиқармасдан, ҳатто пичирламасдан ҳам ўқиши керак, бу унинг ақли ва кўзлари билан ўқишини англади, ўқиётган матнини тўғри тушунишга эътибор қаратади. Овоз чиқариб жаҳрия ўқиш усулида ўқувчи талаффузнинг тўғрилиги, сўзларнинг яхлитлиги, ҳарфларнинг махражи ва матн маъносини овоз билан ифодалашни ўрганади. Натижада нуқсонлар аниқланади, нутқ санъти ривожланади ва шу билан бирга кўрқув, уятчанлик ҳолатларини енгишга ёрдам беради. Хатоларни кузатишда баъзан ўқувчиларнинг ўзидан ҳам фойдаланиш мумкин, унда ўз тенгдошининг сўз талаффузида, грамматика ёки морфологияда хатога йўл қўйилишини ўзида ҳис этишига олиб келади. Ўқувчи сўзни тўғри ўқиши ва аниқ талаффуз қилиш учун ўқитувчи керак бўлса уни ҳарфлаб такрор ўқитиши, фонетик таҳлил қилиши ва унга ўхшаш синоним товушлар келтириб ўтиши мақсадга мувофиқдир. Куръони карим тиловати ҳам араб тилида тез ва равон ўқишнинг энг самарали усулларида биридир [8:274].

Тинглаш усули йиллар давомида деярли унутилган ва унга кам эътибор қаратилган маҳоратлардан биридир. Ваҳоланки, араб тилини эгаллаш, уни идрок этиш, лингвистик компетенцияни шакллантиришда бу жуда муҳим. Тинглаш қобилияти тилнинг таркибий қисмлари бўлмиш фонетика, морфология, семантика ва нутқ маданиятини тушунишда етакчи воситадир. Тилшунослар инсон онгсиз равишда тинглаш орқали тилни эгаллаш мумкинлиги ва бу самарали усул эканлиги, шунингдек, мулоқот муҳим қабул қилувчи маҳоратлигини аниқлаганлар. Араб тили ўқитувчилари учун тинглаш маҳорати юкланган вазибалардан энг қийинидир. Бир томондан материалларнинг бошланғич, давом эттирувчи ва профессионал даражаларда етишмаслиги бўлса, иккинчи томондан тасвирнинг йўқлиги, товушлар кетма-кетлиги, ассимиляция ва бошқа

талайгина чалғитувчи унсурлар мавжудлигидир. Ўқувчи тинглаш жараёнида матнда келган ҳар бир сўзни илғаб олиши, контекстдаги калит сўзларни фарқлаши ва жумлани тушуниши анча мушкул кечади [2:174].

Тингловчи матн юки, диалогда нечта одам иштирок этаётганига эътибор бериши ва уни бошқа кўникмалар билан боғлаши керак. Дастлабки этапда ўқитувчининг роли эшитиш имкониятларини яратиш, яъни ўқувчиларга матн ҳақида тушунча бериш ва улар учун луғат рўйхатларини тақдим этишдан иборат. Кейинги босқичларда эса бу функцияларни ўқувчининг ўзи эплаб, мулоҳаза қилиш каби бошқа аспектларга куч бериши мумкин. Одатда талабаларга жамоавий ёки яхлит тарзда қабул қила оладиган савиядаги матн эшиттирилади, хатолар устида ишланади. Иккинчи тинглашда ўқитувчи томонидан олдиндан тайёрланган иш варағига жавоб берилади ва аввал бирма-бир кейин биргаликда ифодалаш талаб қилинади. Диктант ҳам бу кўникмани мустаҳкамлайдиган самарали усул, чунки унда ўқувчи талаффуз ва товушларни диққат билан тинглаб, эшитган сўзларини битта қолдирмай ёзишга ҳаракат қилади. Тинглаш фаолияти ташқи дунёга кириш эшигидир, гарчи у имкон қадар тилдан тилдан табиий ва реал вазиятларда фойдаланишга ундайди.

Нутқ маҳорати замонавий лингвистик фаолиятнинг энг муҳим рангларида бири бўлиб, ёшу-қари учун ёзишдан кўра қулайроқ бўлган алоқа воситасидир. Она тилиси бўлганлар, яъни араблар муҳитида яшаб мулоқот қилиш энг самарали усул, лекин чет элда ушбу маҳоратни ошириш учун ўқитувчи ҳам, талаба ҳам анча тер тўкишга мажбур. Талабада суҳбатлашиш, муҳокама қилиш истагини уйғотиш, оғзаки мулоқотнинг турли хил йўсинларини қўлаш, кўникма қобилиятларини ривожлантириш ва малакани ошириш учун барча имкониятни ишга солиш устувор мақсаддир. Гапириш осон жараён эмас, унда сўзловчи миясида ўйлаётган жумла ва ибораларни шакллантириб, автоматик равишда тилга узатади. Муаллим талабанинг оғзидан чиқаётган ҳарф, сўз, сўз бирикмаси ҳамда жумласидаги хато-камчиликларга эътибор бериб, сабр-бардошлик билан тузатиши ва ўзини тўлиқ эркин ифода этишига имкон бериши, дадилликка кўниктириши ва меҳнатига яраша қадрлаши, баҳолаши, метивация бериши унинг нутқ маданиятини сўзсиз юксалтиради. Пассив талабани доимий равишда муҳокамага

жалб қилиш орқали ўзини ишончли ва қулай ҳис қилишга ўргатиш лозим.

Ушбу санъат илмий ва ижтимоий ҳаётда юкори ўринни эгаллайди, унга психологик, маданий, ахлоқий ва педагогик тайёргарлик қўрилади. Талабанинг малакаси ҳар хил бўлиши табиий, ўқитувчи уларга айтиб бериш учун мос келадиган ҳикояни танлаши ва кейин уларни қайта айтиб беришларини сўраши ва гапиртириш учун махсус машғулот, амалиёт қўллаши зарур. Масалан, ландшафт, ҳайвон, ўсимлик, тоғ, чўл ва денгиз каби табиий манзаралар, тарқатма материал ва расмлар кўрсатиб ҳам сўзлашга ундаш мумкин. Таниш иборалар орқали, бирма-бир янги сўзларни қўшиб барчани нутқга жалб қилинса, талабалар чўчимасдан суҳбатга қўшилади. Маҳоратни ривожлантиришнинг таълим воситаларидан бири бу тил ўйинлари, у орқали кўплаб ўқувчиларни суҳбатга ўз ҳиссасини қўшишга қизиқтирилади. Бир талаба “باتك” сўзини айтса, иккинчи талаба сўз тугаган ҳарфга “ديرب” сўзини, кейингиси эса “د” ҳарфидан бошланадиган сўз айтади ва натижада уларнинг пассив захирадаги сўзлари активга ўтишини таъминлайди. Умуман, ҳаммасининг калити бу сўз бойлигидир, ҳарф танимасдан туриб бошланғичда болаларни танишув ва саломлашув орқали гапиртириш ҳам бир усул [7:373].

Ёзув инсониятни илм чўққисига етаклаган, замонавий технологияларни ишлаб чиқишда асосий замин бўлган, қолаверса, мерос ва келгуси авлодга илиқ из қолдирадиган таянч маҳоратдир. Бу қобилият талаба лингвистик жиҳатдан эришган ривожланишнинг якуний натижасидир. Зеро, ким ёзишни билса, ўқий олади, ўқувчиларнинг ҳаммаси ҳам ёзишга қодир эмас. «قبائل» талабанинг баҳосини яққол акс эттирувчи ойна, билим даражасини кафтдек кўрсатадиган заиф нуктадир. Биз алифбода мавжуд йигирма саккизта ҳарфнинг олтитаси икки, қолгани эса тўрт кўринишли эканини уқтириб, ҳар бирини варақни тўлдириб кўчириб чиқишни буюрамиз. Аслида муаммо ҳарфларни бир-бирига улаб ёзишда, уни қайта-қайта машқ қилдириш зарур. Ҳозирда кўпайиб кетган ҳуснихат китоблари унчалик фойда бермайди, унда фақат ҳарфлар устидан қалам юргазиб нуқталарни бирлаштириб чиқасиз, холос. Ўқитувчи имкон қадар ҳар бир ўқувчининг ёзувини, дастлаб, катак дафтар ва доскада қўл узмай ёздириши ҳамда сатрга катта аҳамият бериши керак, чунки араб тилидаги ҳар бир ҳарф бўйи ва энининг ўлчами бор [10:18].

Ундан ташқари, ҳарфлар, сўзлар, ҳаракатлар ва сатрлар ўртасидаги масофага аввалдан риоя қилинмаса, қўли совугандан сўнг уни тартибга солиш жуда азоб. Агар ғижжалаб чизикқа ёздирмасдан, доскадан кўчиришга ўргатиб қўйсақ, талаба ёзмайди, балки ҳарфлардан иборат суратни чизишга одатланади. Баъзилар ўз ҳусниларининг хунуклигидан ёки бегонага кўрсатишдан тортиниб ёзувдан безиллаб қоладилар. Бунга чек қўйишнинг йўли ўқитувчи уни руҳан қўллаб-қувватлаши, риторикада қўмаклашиши ва поғонама-поғона ёзувга қизиқтириши керак, ана шунда бу амалиёт ўқувчи учун дарсининг ёқимли қисмига айланади. Ҳар бир дарсда абзац ёки ҳеч бўлмаса битта жумлани диктовка қилиб ёздириш керак, шунда бола ўзи мустақил фикрлаб раво ёзишга қўникади, хотираси кучаяди ва ёзуви бир текис чиққани сайин унга мотивация беради. Фақатгина ўқувчи тасаввур ҳосил қила оладиган, яъни унинг даражаси кўтарилган ва ўтган мавзуларга боғлаш мумкин бўлган соддароқ материалларни бериш мақсадга мувофиқ. Ҳуснихат бу индивидуал маҳорат, уни олдинга силжитиш учун тинмай изланишда давом этиш ҳамда ўздан кучлилардан андоза жоиз. Хатто профессионал хаттотлар ҳам араб тилида мавжуд юздан ортиқ хат турларини ўзлаштиришда ҳануз давом этиб келмоқдалар.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтишимиз мумкинки, араб тилини ўрганишга академик ёндашув унга илмий нуқтаи назардан қарашдир. Ўқиш, тинглаш, нутқ, ёзув маҳоратларини баробар ўрганиш муҳим ҳисобланади. Чунки:

Ўқиш - бу энг мураккаб ақлий фаолиятлардан бири бўлиб, у сўз шаклини овозли ва визуал равишда билиш, фикрлаш, баҳолаш, тасаввур қилиш ва хулоса чиқаришни талаб қилади.

Тинглаш усули йиллар давомида деярли унутилган ва унга кам эътибор қаратилган маҳоратлардан биридир. Ваҳоланки, араб тилини эгаллаш, уни идрок этиш, лингвистик компетенцияни шакллантиришда бу жуда муҳим. Тинглаш қобилияти тилнинг таркибий қисмлари бўлмиш фонетика, морфология, семантика ва нутқ маданиятини тушунишда етакчи воситадир.

Гапириш қобилияти замонавий тил фаолиятининг энг муҳим рангларида бири бўлиб, у ёшу-қари учун ёзишдан кўра қулайроқ

алоқа воситасидир. Она тилида сўзлашувчилар, яъни араб тилида сўзлашувчилар ўртасидаги мулоқот энг самарали усулдир, аммо чет елда бу маҳоратни ошириш учун ўқитувчи ҳам, талаба ҳам кўп тер тўкиши керак.

Ёзиш инсониятни илм-фан чўққисига олиб чиққан, замонавий технологиялар ривожланишининг асосий замини бўлган, шунингдек, мерос ва келажак авлодларда илик из қолдирган асосий маҳоратдир. Бу қобилият ўқувчининг тил ривожланишининг якуний натижасидир. Ҳуснихат - бу индивидуал маҳорат, унинг ривожланишига интилишда давом етинг ва сиздан кучлироқ бўлганларнинг мисолига ергашинг. Хатто professional хаттотлар ҳам Араб тилида мавжуд бўлган юздан ортиқ турдаги ҳарфларни ўзлаштиришга ҳаракат қилмоқдалар.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Arabic-Russian Dictionary. - Tashkent: Kamalak, 1994. - P. 912.
2. Daminov B. ACTUAL PROBLEMS OF MODERN ARABIC LANGUAGE //The Light of Islam. – 2019.
3. Джалалов Дж. Проблемы содержания обучения иностранному языку. Т., Фан. - 1987. - 217 с.
4. Гранде Б.М. Курс арабской грамматики в сравнительно-историческом освещении. М.: Восточная литература РАН, 2001. - 592 с.
5. KAZAKBAYEV Akbar, (2019) Osobennosti prepodavaniya inostrannix yazikov: problemi i metodi. The Light of Islam: 2019 (4), 14.
6. Khojiakbar Nuriddinov. (2020). NAMES IN ARABIC AND ENGLISH. Archive of Conferences, 9(1), 7-11.
7. Makhamadkhodjaev Bakhromkhuzha (2020). Sўz yasash zharayoni va uning arab adabiy tilining lufat tarkibini shakllantirishdagi roles. Young scientist, no. 45 (335). - S. 372-373.
8. Matibaeva R. (2019) Teoreticheskie osnovi interaktivnix metodov obucheniya. Materials of International scientific-practical conference on the theme Women's achievements in science, culture and innovational technologies. Jizzakh Polytechnical Institute, 17-18 may, 2019. - S. 273-275.
9. Степанов Р. В., Кузьмин В. А. Арабский язык: начальный курс: учеб. пособие. Екатеринбург: Уральский федеральный университет, 2017. – 64 с.
10. Yusupdzhan Sadikov. (2020). TRANSLATION AS ONE OF THE METHODS OF LEARNING FOREIGN LANGUAGES BY SPECIALTY. Archive of Conferences, 9(1), 17-19.
11. Холмонова З. Тилшуносликка кириш: маърузалар матни. – Т., 2000. – 177 б.